

Олимнинг ўзидан илмлироқ кишидан сўраганлари



07:10 / 27.08.2019 3007

Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтади: «Бир олим ўзидан илмлироқ кишидан сўради:

- Қандай иморат қурай?
- Қуёшдан ва ёмғирдан сақлашга кифоя қиладиганини.
- Қанча таом ейин?
- Очликдан юқори, тўқликдан паст миқдорда.
- Қанча кийим кияй?
- Ийсо алайҳиссаломнинг кийимини.

- Қандай кулай?
- Юзинг ёришадиган, овозинг эшитилмайдиган даражада.
- Қанча йиғлай?
- Аллоҳдан қўрқиб йиғлашда ҳеч малолланма.
- Амаллардан қанчасини яширай?
- Одамлар сени умуман яхшилик қилмайди, деб ўйлагунча.
- Амаллардан қанчасини билдирай?
- Ҳарис киши сенга иқтидо қиладиган, аммо одамларнинг гапларидан омон қоладиган даражада.

«Солиҳлар гулшани» китобидан